

## “АВЕСТО”ДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЪЛИМ – АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР

**Облакулов Давлат Олтинбоевич***Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси  
магистратура тингловчиси*Тел: +998-93-338-07-77 [17akademik90@gmail.com](mailto:17akademik90@gmail.com)**Самиғов Сарваржон Салимжон ўғли***Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси  
магистратура тингловчиси*Тел: +998-99-901-77-76 [sarvarjonss@mail.ru](mailto:sarvarjonss@mail.ru)

**Анотация:** *Мазкур мақолада Авестода коррупцияга қарши курашиш ҳамда ёшларни коррупцияга қарши курашиш руҳида тарбиялаш ҳамда уларда коррупцияга қарши иммунитет шакллантиришга оид масалалар ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *Авесто, эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал, жиноят, жазо, одоб-ахлоқ, устод, муддаррис, яхшилик.*

**Аннотация:** *В данной статье освещены вопросы, связанные с борьбой с коррупцией в Авесте и воспитанием молодежи в духе борьбы с коррупцией и формированием у них коррупционного иммунитета.*

**Ключевые слова:** *Авесто, доброе слово, добрая мысль, доброе дело, преступление, наказание, манеры, владелец, учитель, доброта.*

Маълумки, коррупция – ҳар қандай давлатнинг сиёсий тузилиши, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражасидан қатъи назар, бутун дунёда глобал муаммо ҳисобланади. Таҳлилларга кўра, “коррупция дунё иқтисодиётига ҳар йили ўртача 2,6 триллион доллар зарар келтирмоқда.

Бу эса дунё ялпи ички маҳсулотининг 3 фоизини ташкил этади. Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, пораларнинг йиллик ҳажми тахминан 1,5-2 трлн. долларни ташкил этади, бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 2 фоизидан кўп дегани. [5 Б.27]

Коррупция тарихи аслида қадимги инсоният цивилизацияси тарихидан кам эмас, бундан ташқари у ҳар қандай давлатда давлат бошқарувининг барча шаклларида мавжуд бўлган. Шу билан бирга, жамиятдаги ўзгаришларга боғлиқ ҳолда коррупция ҳодисаси ҳам ўзгариб, мукаммаллашиб ва шаклан ўзгариб борган. Бироқ, бу коррупция ҳамма жойда бир хил деган маънони англатмайди. Коррупциянинг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда ҳар хил бўлиб, тарихий босқич ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси билан белгиланади. Шу боис коррупциянинг олдини олиш ва қарши курашда тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиши керакки, қадим замонлардан бери давлат ва жамият коррупция балосига қарши курашишга ҳаракат қилиб келади. Масалан, Янги подшолик давридаги Мисрда Хоремхеб (эраמידан аввалги 1342-1338 йиллар) бир неча

маъмурий реформалар ўтказганлиги, жумладан солиқ системасини қайта тузган ҳамда аскарларнинг таловчилигига ва амалдорларнинг порахўрлигига қарши тадбирлар кўрганлиги ҳақида манбаларда келтирилади. [2]

Геродотнинг хабар беришича, форс шоҳи Камбиз порахўр судяни ўлим билан қатл этган ва судянинг стулини судянинг териси билан қоплаттиришни буюрган. Доро пора олганликда айбдор судяни хочга михлатган. Римдаги XII жадвал қонунларида судя томонидан қабул қилинган пора учун ўлим жазоси белгиланган.[8. Б.7] Шунингдек, амалдорларнинг коррупцияси қадимги Бобил архивида ва Ҳамураби қонунларида қайд этилган.

Шу билан бирга, қадимги даврларда мансабдорлик жинойтлари – мансабни суистеъмол қилиш, порахўрлик, адолатиз ҳукм чиқариш, худоларга ва қоҳинларга қарши, шахсга қарши (одам ўлдириш, тан жароҳати етказиш, уриш, заҳар ва наша тайёрлаш), мулкӣ (ўғирлик, мулкларни ёқиб юбориш, чегара белгиларини йўқ қилиш) учун ҳам жазо борлиги ҳақида маълумотлар бор.[1. Б.23]

Айтиш керакки, илк давлатчилигимиз тарихида ҳам бугунги кунда биз коррупция деб атаётган қилмишларга қарши турли хил шаклларда кураш олиб борилган. Хусусан, буни биз моддий жиҳатдан Осиё ҳудудида яратилган энг қадимги ёзма ёдгорлик “Авесто” битикларидаги нормаларда кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда илк давлатчилик тарихида, аниқроғи қадимги Турон ҳудудида Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” ғоялари, қонун қоидалари муҳим аҳамиятга эга бўлган. “Авесто”да Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ҳуқуқий қарашлари ўз ифодасини топган. Унда ҳуқуқий қоидалар тартибли тарзда берилмаган бўлса ҳам ўша даврнинг ҳуқуқий муносабатларини акс эттиради. Зардуштийлик ақидасига кўра, ёлғон гапириш, бировни алдаш гуноҳ, яъни жинойт ҳисобланган.

“Авесто”нинг бир қанча шеърларида хулқ-атвор қоидалари, оила-никоҳ масалалари, жинойт ва жазо, айниқса, процессуал нормалардан ордалия ҳақидаги кўрсатмалар диққатга сазовор. “Авесто”да жазо бериш “диний-этник қоидаларга бўйсундириш мақсадидаги ҳаракат” маъносида қўлланилиб, хатти-ҳаракат учун тўловни англаган. Жазо, синаб кўриш диний-этник қоидалар асосида олиб борилган.

Профессор Зиёдулла Муқимов такидлашларига кўра ордалия билан синашнинг жуда кўп турлари (Зароастр жорий этган ордалиянинг 33- тури) мавжуд бўлган.<sup>28</sup>

Ҳ.Ҳомидовнинг қайд қилишича, Зардуштийлар одатига кўра ўғри, қароқчи, зинокор, жамоат ва давлат мулкига хиёнат қилганлар, ватанфурушлар ўлим жазосига ҳукм қилинган. Ана шундай оғир жинойтчилар то ҳукм ижро этилгунча канал чиқариш, ариқ қазиш, ҳовуз, қудуқ қовлаш ва кўприк солиш сингари оғир ишларни бажаришга мажбур этилган.[7. Б82]

“Авесто”нинг ҳуқуқий наска (кодекс)си – Видевдат<sup>29</sup>да бир қатор ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлиб, манбаларда келтирилишича “Авесто”да мансабни

<sup>28</sup> Изоҳ:Улар ўт билан синаш, кўкрагига қизиган темирни босиш кабилар.агар сўз қасам тўғрисида бўлса, одатда сув билан, агар шартномага оид бўлса, ўт билан синалиб, айбдор ёки гумон қилинувчининг ўзига исботлаш имкони берилган Батафсилроқ қаранг: З.Ю. Муқимов Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Дарслик. Т.: “Наврўз”2013. Б.43-47.



суистъемол қилиш, фирибгарлик ва талон - тарож, қилиш жиноят ҳисобланган<sup>30</sup>. Хасислик мулкӣ жиноятларнинг алоҳида тури ҳисобланган. Чунки, “кимки адолатли илтимосни рад этса, ... аслида ашё сўраётган ўғри ҳисобланади”[6].

Мулкӣ жиноятлар қаторида “Авесто” ўғрилиқ, босқинчилик, қароқчилик ва фирибгарликни атайди, мазҳабчилар биринчи навбатда уларнинг субъектлари бўлади. «Вандидод»нинг бир қатор нормалари фирибгарлик, яъни алдов йўли билан ўзга мулкни эгаллаб олиш каби мулкӣ жиноятлар турларини тан олади “Вандидод”, XXIX, I). Фирибгарлар сўзига асло қулоқ солманг. Чунки улар ростлик тарафдорларининг душманидир дейилган[7. Б.30].

Шу билан бирга, Зардуштийлик ақидасига кўра, ёлғон гапириш, бировни алдаш гуноҳ, яъни жиноят ҳисобланган. Қасам<sup>31</sup> ичиб, қасамларни бузиш ўша қасам баҳосининг минг баробаригача товон тўлаш ёки тан жазосини<sup>32</sup> назарда тутган. Агарда қасам ичиб аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки бузган ҳолларда

<sup>29</sup> Изоҳ: Видевдат (Вендидат) Авестодаги “Видево датем”—“Девларга қарши мазкур наска (тарктат) бўлиб, у 22 фрагарддан (боблар) иборат бўлиб, Авестонинг бугунги кунга қадар сақланиб қолган бешта (умумий йигирма битта) ҳуқуқий китоблари-наскарларидан фақат биттасидир. Бу борада батафсилроқ қаранг. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. — Т.:«Шарқ», 2001. Б.375, , Жураев Н., Халилов Н., Бурунов М. Авесто. Тошкент, «Ta'lim nashriyoti». -2021. 640 б., Ўзбек давлатчилиги тарихи Т.1 Масъул муҳаррирлар Э.В.Ртвеладзе, Д.А.Алимова . Т.:Akademnashr, 2021. Б.334

<sup>30</sup> Изоҳ: А. Периханян ва сўнгра С. Ганбаров томонидан "Видевдат" матнлари асосида жиноятларнинг қуйидаги таснифи тузилган: 1. Динга қарши жиноятлар: бидъат, бошқа диннинг вакили билан никоҳга кириш, рухонийнинг вазифасини ғайриқонуний бажариш, атеизм. 2. Шахсга қарши жиноятлар: қасддан ҳужум қилиш, яъни жазава ҳолатида ҳужум қилиш, таҳдид қилиш, шифокорнинг зиён етказувчи ҳаракати, ҳомилани олиб ташлаш, рекул ва ҳомилаторлик пайтида аёлнинг соғлигига қарши жиноятлар. 3. Ҳайвонларга қарши жиноятлар, айниқса кучукларга қарши жиноятлар. 4. Мулкӣ жиноятлар: ўғрилиқ, талон-торож, босқинчилик, фирибгарлик. Хасислик мулкӣ жиноятнинг алоҳида тури ҳисобланган. 5. Ахлоққа қарши жиноятлар: гомосексуализм, фоҳишабозлик (“Видевдат”, XVII, 114-121), эр-хотин хиёнати. Ушбу бандда зардуштийликдаги дуалистик даврнинг ахлоқий принциплари ёрқин намоеън бўлган. 6. Табиат кучларига қарши жиноят: ерга, сувга, оловга ва ўсимлик дунёсига қарши жиноят (“Видевдат”, VI, 54-83; VIII, 300-310); айниқса, ернинг ифлосланишига қарши жиноятлар (III, 126-129, 142-146). Табиат кучлари ва ҳайвонларнинг ўзи томонидан содир этиладиган жиноятлар алоҳида қайд этилади. Ушбу жиноятлар ўша давр зардуштийлик ҳуқуқида жиноятнинг объектигина бўлиб қолмай, балки жиноят субъекти ҳам ҳисобланган. \\А.Саидов “Авесто” - Ўрта осие сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг асосий манбаи. “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни “Авесто”нинг 2700 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция маърузалари тезислари Т.”Фан” 2001. Б.8-9 бетлар,

<sup>31</sup> Изоҳ: “Авесто”да қасамнинг олти тури келтирилган. Биринчиси-сўз қасами ( агар сўз қасаминибузса уч юз қамчин аспаҳиҳ-ҳаашатра билан, уч юз қамчин саравушу –чарана (гуноҳлар содир бўлганда қўлланиладиган жазо); иккинчиси-қўл қасами (куимда ким қўл қасамини бузса- олти юз қамчи аспаҳх ашатра (гуноҳқорни жазоловчи асбоб) билан уч юз қамчин саравушу – чарана билан саваланади.); учинчиси-қўй қасами (кимда ким ушбу қасамн бузса етти юз қамчин аспаҳиҳ- ашатра блан, уч юз қамчин –саравашу- чарана блан савалаади); тўртинчиси-сигир қасами (кимда ким ушбу қасамни бузса саккиз юз қамчин аспаҳиҳ ашатра билан, уч юз қамчин саравашу – чарана билан саваланади.); бешинчиси-одам қасами олтинчиси-экин қасами (кимда ким экин қасамини бузса минг қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, уч юз қамчин саравашу чарана билан жазоланади.) // Батафсилроқ қаранг: Ҳ.Бобоев. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 1 китоб. Т.:”Фан” нашриёти, 2004. – Б.549-69., Авесто. (Асқар Маҳкам таржимаси) “Гулистон” 1999 йил,2-3 сон. Б.28-48.,

<sup>32</sup> Изоҳ: Авестода қуйидаги жазо турлари: ўлим жазоси, қамоқхонада қамаш, тан жазолари- кўпроқ турдаги қамчи, хивчин ва калтаклар, жисмоний жазо бериш, қондошлиқ ўчини олиш, келтирилган зарарни ундириш- товон тўлашлар бўлиб жазонинг асосий мақсади гуноҳларни ювиш ҳисобланган.

ҳақлигини исботлаш учун ордалия ўтказиб синалган. Бунда судя вазифасини қоҳинлар, жамоа бошлиқлари амалга оширган.

“Авесто”даги ўғитларда савоб ва гуноҳ, бунёдкорлик ва бузғунчилик каби ўзаро бир-бирига зид қарашларнинг инсон ҳаётидаги ўрни талқинига катта эътибор берилган. Буларнинг биринчиси инсонни ҳақгўйлик, яратувчилик ва камолот сари даъват этса, иккинчиси разолат, худбинлик ва ахлоқсизлик каби иллатларга гирифтор этишга уринади. Шунинг учун ҳар бир киши, аввало огоҳликка ва ўзлигини англашга интилиши, яхши ва ёмонни кескин фарқлаб яшаши зарурлиги уқтирилади. Шунингдек, ўғитларда ҳар бир ишни пухта ўйлаб, сидқидилдан бажариш, бошқаларга ҳам нафи тегадиган, фойдали жиҳатларини унутмаслик зарурлиги уқтирилади. Булардаги адолатлилик, ҳалоллик каби мотивлар бугунги кун учун ҳам ибратлидир. Зеро “Авесто”да донолик, ҳақгўйлик, нодонлик, фирромлик каби ўзаро қарши сифатлар асосида кишиларни одоб ҳушхулқ соҳиби бўлиш, эзгу ном қолдиришга ундовчи кўплаб насиҳатлар катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Зардўштилик пандномаларига кўра, “Бойлар зиёфатига ўтирма”, “Одамларни урма, лавозим учун курашма”, “қамоқхона нозирлигига золимни тайинлама”, “Донишманд кишилардан маслаҳат ол”, “Дўстларим кўпайсин десанг донишманд бўл”, “Дунё бойликлари кетидан қувма”, “Кексаларни устидан қулма чунки сен ҳам қартаясан” каби бир қанча насиҳатларида эса яхшиларга яқинлашиб, уларни эъзозлаш кераклиги таъкидланган[3. Б.30].

Умуман, инсонда ахлоқий етукликка қаратилган барча ижобий сифатларда уларнинг зиди бўлган бирорта ҳам салбий жиҳатлар бўлмаса, чинаккам ва тугал фазилатларга айланади. Чунончи бугунги кундаги коррупцияга мойиллик бўлган ҳислатлардан ақлда – манманлик, талантда – бахиллик, вазминликда – қасоскорлик, хулқда – тубанлик, саҳийликда – талон-торожлик, умидда – фаолиятсизлик, таъмагирлик, билимда – қалбакилик бўлмаслиги зарурлиги қайд этилади.

“Авесто”даги ахлоқий мақомлар “Эзгу фикр” бу – инсофлилик, поклик, нафсни чеклаш, илмли, ҳақгўйилик, “Эзгў сўз” – тўғри сўзлик, ростгўйлик, ўйлаб гапирмоқ, ширинсўзлик, “Эзгу амал” – ҳалол меҳнат қилмоқ, хиёнат этмаслик, серғайрат бўлмоқлик, ожизларни қўллаш, Ватанга хизмат қилмоқ, инсонпарварлик, ота-она ва устозни эъзозлаш, адолатпарварлик ҳисобланиб, бу ҳам инсонни камолотга ундаб, уни коррупцияга мойиллигини рад қилади.

Яна бир қизик жиҳат “Авесто”да ҳар бир болани коррупциясиз хулқ тарзда, яъни пок ният, хулқи ҳалол, қўли тўғри қилиб тарбияланишига жиддий эътибор қаратилади. Ана шу эҳтиёж ва талаблардан келиб чиқиб, “Авесто”да муаллимлар, тарбиячилар, устоду-мударисларнинг бурчлари белгиланган, улар зиммасига жамиятнинг энг муҳим юки топширилганлиги қайта-қайта уқтирилган. Натижада муаллим муддарислар ўз илмини нечоғлик ўзлаштирилганлиги, касбга муносабати, чечан, уздабурон фидоийлиги, танбал бефарқ, масъулиятсизлигига қараб “яхши” ва ёмон” устозларга ажратиб, изоҳланган ва баҳо берилган.



Ёш авлодни тарбияси, уларни қандай вояга етказиш тўғрисида “Авесто”нинг бир неча ўрнида “устодлар устои”, “барча билим ва ҳунарлар калити” Яздон мадҳ этилади.

Яшларда устозлар одамлар руҳиятига рост сўз, пок ва ҳалол ниятни сингдириши, ёш авлодни ахлоқ ва одоб меъёрларини ётук даражада ўстириши зарурлиги мадҳ этилади. “Авесто”да ёшларни тўғри йўлга бошловчи уларни тарбияси билан шуғулланувчи мураббий устозлар улуғланади. Зардуштийлик таълимотида фикир ва сўз пок бўлиб, кўпчилик учун эзгу амалларни бажарган инсон баркамол саналади.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар жараёнида ёшларни ҳар тарафлама етук кадрлар бўлиб етишиши уларни коррупциясиз ҳуққ асосида тарбияланиши жуда муҳим ҳисобланади. Зеро Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “...бундан 2700 йил муқаддам Осиё ҳудудида яратилган энг кўхна ёзма ёдгорлик – “Авесто” китобида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро муносабатларни ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари негизида барпо этиш ғоялари муҳим ўрин тутди, зўравонлик ва адолатсизлик рад этилади”[4.].

Юқоридагилардан шуни ҳулоса қилиш мумкинки, “Авесто”нинг бизгача етиб келган қисмининг ҳар тўрт бўлимида ақл-заковат, ростлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, элсеварлик ғояларини тарғиб этилиб, эгрилик, фирромлик, талон-тарож қилиш қораланади. Зардуштийлик таълимотига кўра, инсонда учта ахлоқий унсур мавжуд бўлиб, улар: эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амалдир. Жиноят мазкур унсурлар ўртасидаги мутаносибликнинг бузилиши бўлиб, ҳақиқат эса энг яхши эзгулик ҳисобланади.

### ИҚТИБОСЛАР РЎЙХАТИ:

1. Odilqoriyev N., Azizov N., Madirimov X. Davlat va huquq tarixi: IV oliy ta’lim muassasalari uchun darslik // – T.: O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012.

2. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи Т.:1964.

3. Маҳмудова Н.Дж. “Авесто”да таълимий-ахлоқий қарашлар педагогика ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс Т.2005

4. Мирзиёев Ш.М. Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Т.3. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019

5. Нурмуҳаммедова Г. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг профилактикасини такомиллаштириш ю.ф.ф.д диссертацияси Автореф. Т.2021 Б.5// Е.В.Коленко “Пора олиш учун жавобгарлик: Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш истикболлари” мавзусида юридик фанлар бўйича фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати Т.:2023

6. Ртвелаазе Э .В ., Саидов А .Х ., Абдулаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. -Тошкент: «Адолат» 2001.
7. Хомидов Ҳамиджон. «Авесто» файзлари / Илмий муҳаррир: Н. Комилов. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001
8. Шевчук В.Д. Коррупция: опасная болезнь государства. Ярославль 2018